



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Содиқов Анвар

Ўзбекистон Миллий университети

ORCID: 0009-0003-7808-0549

sadikov_a@asakabank.uz

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий интеграциялашуви орқали экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари таҳлил қилинган. Худудий ҳамкорлик, савдо-инфратузилма ривож, техник регламентлар ва стандартлар уйғунлиги, чегара ва божхона жараёнларини оптималлаштириш каби омиллар интеграция самарадорлигини белгилаб берувчи асосий йўналишлар сифатида кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон маҳсулотларининг Марказий Осиё бозорларида рақобатбардошлигини ошириш бўйича истиқболли чора-тадбирлар таклиф этилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё интеграцияси, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик, экспорт салоҳияти, савдо тўсиқларини камайитириш, техник регламентлар уйғунлиги, божхона жараёнлари модернизацияси, рақобатбардош маҳсулот, ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо стратегияси.

НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА УЗБЕКИСТАНА ЧЕРЕЗ ИНТЕГРАЦИЮ С ГОСУДАРСТВАМИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Садыков Анвар

Национальный университет Узбекистана

Аннотация. В данной статье проанализированы возможности повышения экспортного потенциала Узбекистана через экономическую интеграцию с государствами Центральной Азии. Основное внимание уделено таким направлениям, как развитие регионального сотрудничества, торговой инфраструктуры, гармонизация технических регламентов и стандартов, оптимизация пограничных и таможенных процедур. Также в статье предложены перспективные меры по повышению конкурентоспособности продукции Узбекистана на рынках Центральной Азии.

Ключевые слова: интеграция Центральной Азии, региональное экономическое сотрудничество, экспортный потенциал, снижение торговых барьеров, гармонизация технических регламентов, модернизация таможенных процедур, конкурентоспособная продукция, внешнеэкономическая деятельность, стратегия внешней торговли.

DIRECTIONS FOR ENHANCING UZBEKISTAN'S EXPORT POTENTIAL THROUGH INTEGRATION WITH CENTRAL ASIAN COUNTRIES

Sodiqov Anvar

National University of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the opportunities for enhancing Uzbekistan's export potential through economic integration with Central Asian countries. Key focus areas include regional cooperation, development of trade infrastructure, harmonization of technical regulations and standards, and optimization of border and customs procedures. The article also proposes forward-looking measures to increase the competitiveness of Uzbek products in Central Asian markets.

Keywords: Central Asian integration, regional economic cooperation, export potential, reduction of trade barriers, harmonization of technical regulations, customs process modernization, competitive products, foreign economic activity, foreign trade strategy.

Кириш.

Ҳозирги кунда глобал иқтисодий ўзгаришлар шароитида Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан интеграциялашув Ўзбекистон учун ташқи бозорларга чиқишда муҳим стратегик имкониятларни яратади. Ўзаро ишонч, логистика тизимини яхшилаш ва экспорт жараёнларини соддалаштириш орқали экспорт ҳажмини ошириш имкони мавжуд. Бу эса миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади. Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсатида минтақавий бозорлар, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Экспорт салоҳиятини ошириш имкони яратилади.

2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Марказий Осиёда савдо-иқтисодий соҳада яқин ҳамкорликни юқори даражага кўтариш” муҳимлиги (94-мақсад), зарур “иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлаш” (95-мақсад), “Республиканинг экспорт салоҳиятини бундан кейин ҳам ошириш ва 2026-йилда республика экспорти ҳажмини 30 миллиард АҚШ доллариغا етказиш” (Фармон, 2022) ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясида “миллий иқтисодиёт экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш”, “экспорт ҳажмини 2 баробарга ошириш ва уни 45 миллиард долларга етказиш” (55-мақсад), Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш (91-мақсад), “миллий манфаатларни илгари суриш ва ҳимоя қилишда иқтисодий дипломатия самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш” (92-мақсад) зарурлигини белгилаб берди (Фармон, 2023). Ўзбекистоннинг ушбу қарорлари Марказий Осиё мамлакатлари савдосини ривожлантиришда ижобий акс этди.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг географик яқинлиги ва маданий қадриятларининг ўхшашлиги савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратади. Бироқ тараққиётнинг иқтисодий моделларидаги тафовутлар ва сақланиб қолаётган тўсиқлар давлатлараро алоқаларнинг чуқурлашувини тўхтатиб турибди. Шунга қарамай, товарлар билан ўзаро савдонинг аҳамияти ташқи савдо айланмасига нисбатан ошмоқда, инвестицион ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Бу ҳам минтақага янгича ёндашувнинг заруратини белгилайди.

Адабиётлар шарҳи.

“Салоҳият” тушунчаси яширин, намоён бўлмайдиган имкониятларнинг мавжудлигини англатиб, улардан фойдаланиш энг юқори мумкин бўлган натижага олиб келиши мумкин. Ўз табиатига кўра, “салоҳият” тушунчаси мавжуд имкониятларни амалга ошириш истиқболлари сифатида ёритилади.

Савинов ва Мигуновлар (2008) экспорт салоҳиятининг қуйидагича талқинини таклиф қиладилар: “экспорт салоҳияти – бу миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида секторлари, тармоқлари, корхона ва компанияларининг таққослама устунликларидан (қўламли табиий ресурслар, қулай географик, инфратузилма ва бошқа омиллар, юқори меҳнат унумдорлиги ва б.) фойдаланиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳамда илм-фан ва илмий-техника ютуқларига асосланган ҳолда янги рақобат устунликларига эга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилятидир”.

Мамлакат ёки минтақа экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини бошқариш хорижий бозорларда энг юқори мумкин бўлган натижага эришишга қаратилган макро-, мезо- ва микромуҳит вазифалари кўп бўғинли тизимини ўзида мужассамлаштиради. Мамлакат иқтисодиёти нуқтаи назаридан иқтисодчи Мальцев (1998) томонидан берилган таъриф экспорт салоҳияти тушунчасининг мазмунини янада аниқ ифодалайди. Ушбу ёндашувга мувофиқ, мамлакат экспорт салоҳияти ўз асосида мамлакат ички экспорт имкониятларининг миқдорий ўлчови ва хорижий бозор истеъмоли сиғимига эга бўлган ҳолда унинг экспорт асоси таърифини ҳисобга олиб, баҳоланади.

Неоклассик назариянинг ривожланиши икки замонавий йўналиш – давлатга пул массаси устидан назорат қилиш вазифасини юклайдиган монетаризм (Фридмен 1998) ва бозор иқтисодиётининг устунлигини исботлайдиган неолиберализмни (Мизес, 2001) шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Давлат ролини чеклаш, рақобатни ҳимоялаш сиёсатини олиб бориш ва солиқларни пасайтириш тарафдорлари қаторига таклиф иқтисоди назариясини (Лаффер, 2015), рационал кутишлар (Лукас 2013), ижтимоий танлов (Толлисон, 1997), ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини (Эрхард, 2001) ёқловчи иқтисодчиларни ҳам киритишимиз мумкин. Иқтисодий ғоялар ушбу оқимларининг фикрича, ривожланиш эркин бозор кучларига, талаб ва таклиф ўзаро таъсирига, савдо эркинлигига асосланган ва жумладан, халқаро айирбошлашда ҳам энг кам давлат аралашувини кўзда тутди.

Бироқ 1929-1933 йиллардаги Буюк депрессия классик назария учун ўзига хос фалаж ҳисобланади: давлат харажатлари ва иш ҳақини чеклаш вазиятни ёмонлаштирди. Инқироз ўзини ўзи тартибга соладиган бозор тизими ғоясини шубҳа остида қолдирди ва эркин савдо тарафдорларининг қарашлари протекционизм назариясига (моҳиятан давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати) қарши қўйилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларни умумлаштириб, шундай хулоса қилиш мумкинки, миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида секторлари, тармоқлари, корхоналарининг экспорт салоҳияти ташқи бозорларда ресурслар ва уларни ҳаракатлантириш имкониятлари мавжудлигидан келиб чиқиб, ривожланиш истиқболларини кўзда тутди. “Салоҳият” сўзининг ўзида маълум “истикбол” ётади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграцияси орқали экспорт салоҳиятини ошириш муаммоларини ўрганишда ўзаро ҳамкорлик ва ташқи савдони эркинлаштириш йўналишлари бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантикий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув усуллари билан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Марказий Осиё (МО) мамлакатларида минтақавий савдони ўрганиш ва шу билан боғлиқ ҳолда бугунги кунда жаҳон савдоси билан ўзаро алоқадорлик муҳим жиҳат

ҳисобланади. Сўнгги йиллардаги халқаро савдо тизимининг ҳолатига кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, ЖСТ ва ЮНКТАД ҳисоботларида кўрсатилгандек, кўплаб ноаниқлик омиллари таъсир кўрсатди, масалан, кўплаб геоиқтисодий хавфлар, геосиёсий кескинликнинг кучайиши ва бошқалар.

1-жадвал

**Марказий Осиё давлатларининг 2000-2024 йиллардаги ташқи савдоси
(миллион АҚШ доллари)**

Йил лар	Қозоғистон		Қирғизистон		Тожикистон		Туркменистон		Ўзбекистон	
	Экспорт	импорт	Экспорт	импорт	Экспорт	импорт	Экспорт	импорт	Экспорт	импорт
2000	8812	5040	511	558	785	675	2506	1786	2817	2697
2010	59971	31107	1756	3223	1195	2657	6500	5700	11695	8689
2011	84336	36906	1979	4261	1257	3206	13000	7600	13254	10472
2012	86449	46358	1894	5374	1360	3778	16500	9900	11210	12034
2013	84700	48806	2058	6070	1162	4151	16800	10000	12000	13138
2014	79460	41296	1897	5732	977	4297	17500	10000	11500	13925
2015	45956	30568	1441	4070	891	3436	10000	7000	9443	11461
2016	36685	24995	1573	4000	899	3031	6964	4994	8974	11328
2017	48304	29266	1764	4495	1198	2775	7458	4571	10079	12035
2018	60956	32534	1837	5292	1073	3151	9760	2390	10921	17312
2019	57309	37757	1986	4989	1174	3349	10545	2994	14024	21866
2020	46447	37222	1973	3719	1407	3151	6544	3242	13097	19932
2021	60625	41171	2752	5580	2150	4210	9349	4037	14081	23740
2022	84663	49586	2187	9629	2142	5167	11703	2912	15350	28173
2023	786754	61159	3309	12352	2449	5880	11400	9300	24426	38141
2024	81618,4	59787,3	3800	12200	2000	6901,7	12700	8200	26948,2	38985,8

Манба: Жаҳон банкининг маълумотлари асосида тузилди.

Буларнинг барчаси товар ва хизматларнинг глобал савдоси ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Шу билан бирга, Марказий ва Шарқий Осиё минтақаларида иқтисодий ўсиш ва савдонинг секинлашиши 2022-йилдан буён кузатилмагани, аксинча, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишнинг локомотивига айланиши мумкинлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё давлатларининг ташқи савдо кўрсаткичларини таҳлил қилиш янада муҳимроқ ва қизиқарли кўринади. Марказий Осиё давлатларининг 2000-2024 йиллардаги ташқи савдо динамикасига назар соладиган бўлсак (1-жадвал), ҳақиқатдан ҳам 2000-2012 йилларда минтақа мамлакатлари экспорти маълум бир ўсишга эга эди, аммо 2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда бир оз пасайди.

2-жадвал

**2020-2024 йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан
экспорти ва импорти (миллион АҚШ доллари) (economist.kz, n.d.)**

Йиллар	Қозоғистон		Қирғизистон		Тожикистон		Туркменистон	
	экспорт	импорт	экспорт	Импорт	экспорт	импорт	экспорт	Импорт
2020	903,0	2115,5	756,6	146,5	404,6	97,3	128,0	399,1
2021	1172,1	2738,4	791,1	161,5	500,9	103,6	191,3	690,6
2022	1379,7	3241,2	979,3	280,7	519,9	154,5	194,8	731,5
2023	1372,5	3026,4	631,5	321,9	605,0	151,8	171,2	923,2
2024	1 452,3	2 825,5	513,3	333,1	552,2	150,5	128,2	1 020,0

Шундай қилиб, 2010-2016 йилларда Қозоғистоннинг савдо баланси 29 миллиард доллардан 11,6 миллиард долларгача камайган бўлса, Қирғизистоннинг савдо баланси 1,5 миллиард доллардан 2,4 миллиард долларгача ошди. Тожикистоннинг савдо камомади 1,5 миллиард доллардан 2,1 миллиард долларга кўтарилган бўлса, Туркменистоннинг 0,8 миллиард долларлик қолдиғи 2,0 миллиард долларлик

профицитга айланди. Бу жараён, асосан, минтақанинг асосий экспорт товарлари ҳисобланган хом ашё товарларига бўлган жаҳон нархларининг ўзгариши билан боғлиқдир. Фақат 2016 йилдан бошлаб, минтақа мамлакатларининг экспорти аста-секин 2020 йилдан кўчайиб, ижобий ўсиш динамикасини ўзида мужассамлаштиради (2-жадвал).

3-жадвалда ҳар бир мамлакатнинг минтақавий улуши, савдо, шунингдек, минтақа давлатларининг Ўзбекистон савдо айланмасидаги умумий улуши ва уларнинг йил бўйича ўзгариш динамикаси кўрсатилган.

3-жадвал

Ўзбекистоннинг 2016-2024 йиллардаги Марказий Осиё давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми (миллион АҚШ доллари) (ekonomist.kz, n.d.)

Йиллар	Қозоғистон		Қирғизистон		Тожикистон		Туркманистон		МО давлатларининг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши (%)
	Ҳажми	Улуши, % да	Ҳажми	Улуши, % да	Ҳажми	Улуши, % да	Ҳажми	Улуши, % да	
2016	1898,9	76,5	167,4	7,0	197,1	8,0	209,1	8,5	10,2
2017	2055,7	75,0	253,7	9,0	237,9	9,0	177,9	7,0	10,3
2018	2919,6	73,0	402,9	10,0	390,5	10,0	302,8	7,0	11,9
2019	3335,0	64,0	820,3	16,0	480,5	9,0	554,4	11,0	12,4
2020	3018,5	61,0	903,2	18,0	501,9	10,0	527,1	11,0	13,6
2021	3910,0	61,5	952,6	15,0	604,5	9,5	881,9	14,0	15,1
2022	4621,0	62,0	1260,0	17,0	674,4	9,0	926,3	12,0	15,0
2023	4398,9	61,0	953,4	13,0	756,8	11,0	1094,4	15,0	11,5
2024	4277,8	64,9	846,4	12,8	702,7	10,6	1148,2	17,4	10,6

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси 9 йил давомида 2016-йилдаги 2,5 миллиард доллардан 2024-йилдаги 6,9 миллиард долларга етиб, 2,8 баробарга ошди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига экспорти 2020 йилдаги 2,2 миллиард доллардан 2024 йилдаги 2,6 миллиард долларга кўтарилди. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2016-йилдаги 10,2 фоиздан 2022-йилда 15,0 фоизга ўсди. Ўзбекистон учун 2022-йил Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати билан савдо ҳажми бўйича рекорд йил бўлди, 2023-йилда рекорд ўрнатган Туркманистон бундан мустасно. 2016-йилдан буён 9 йил давомида Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми: Қозоғистонда – 2,2 баробар, Қирғизистонда – 5,1 баробар, Тожикистонда – 3,6 баробар, Туркманистонда – 5,5 баробар кўп (3-жадвал).

Таҳлил ва маълумотлар шуни кўрсатадики, барча бешта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари ва уларнинг ташқи сиёсий стратегиялари, минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, нафақат мамлакатлар ўзаро савдосини ривожлантиришга, шунингдек, мамлакатларнинг ташқи савдо алоқаларини оширишга ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2000-йилдан буён ўтган 24 йил давомида минтақа давлатларининг савдо айланмаси қарийб ўн баробар ўсди (4-жадвал).

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари бугунги кунда савдо ривожланишининг бундай суръатларида тўхтаб қолмасдан, аксинча, уларни сезиларли даражада тезлаштиришлари керак. Чунки Марказий Осиё давлатларининг жаҳон савдоси билан ташқи савдо ҳажмининг қиймат кўринишида) Марказий Осиё давлатларининг жаҳон савдосидаги улуши (фоизларда) нисбатан аҳамиятсизлигича қолаётганини кўрсатади (5-жадвал).

4-жадвал

Марказий Осиё давлатларининг 2000-2024 йиллардаги жаҳон савдосидаги улуши (ekonomist.kz, n.d.)

Йиллар	Жаҳон савдо ҳажми (миллиард АҚШ доллари)	Марказий Осиё давлатларининг савдо ҳажми (миллион доллар)	Марказий Осиё давлатларининг жаҳон савдосидаги улуши (%)
2000	7500	26187	0,35
2010	15100	132493	0,88
2011	17900	176271	0,98
2012	18300	194857	1,06
2013	18000	198885	1,10
2014	19100	186584	0,98
2015	16600	124266	0,75
2016	16700	103443	0,62
2017	25000	121945	0,49
2018	25000	145226	0,58
2019	18500	155993	0,84
2020	24900	136734	0,55
2021	28500	167695	0,59
2022	32000	211512	0,66
2023	30000	247091	0,82
2024	33000	108400	0,3

Жаҳон савдосининг йиллик ўсиши Марказий Осиё мамлакатларига ўз улушини сезиларли даражада ошириш имконини бермаяпти. Демак, минтақа мамлакатлари савдо айланмасининг ўсиш суръати ва уларнинг экспорти жаҳон кўрсаткичларидан бир неча баробар юқори бўлиши керак. Ҳозирда Марказий Осиё минтақаси аҳолиси 80 миллион кишига яқинлашмоқда. Агар биз ушбу минтақани деярли ўхшаш ривожланган мамлакатлар билан таққосласак аҳолиси бўйича, масалан, Германия (83,0 млн. киши) ёки Буюк Британия (68,0 млн. киши) ни кўрсатиш мумкин, кейин бу мамлакатлар экспортининг жаҳон экспортидаги улуши мос равишда 7,53% ва 2,37% ни ташкил қилади (ekonomist.kz, n.d.).


Агар бу давлатларни мисол қилиб оладиган бўлсак, Марказий Осиё давлатларининг жорий йиллик савдо кўрсаткичини камида 2-3 баробар, экспорт кўрсаткичларини эса янада ошириш керак бўлади. Албатта, Марказий Осиё минтақасининг жаҳон экспортидаги улуши мос равишда 1,13%, 1,57% ва 1,30% бўлган Туркия, Малайзия ёки Индонезия билан солиштириш мумкин. Аммо Марказий Осиё минтақасини экспорт ва умуман, савдо ривожланишининг юқори суръатларига эга, деб ҳисоблаш мумкин. Марказий Осиёнинг жаҳон экспорти ва савдосидаги улуши доимий равишда ортиб бормоқда.

Ушбу қиёсий таҳлилдан кўриниб турибдики, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий дипломатияси ўзларининг миллий ва минтақавий савдо салоҳиятини ошириш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак бўлади. Бу 2023-йил 14-15-сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнот”да яна бир бор таъкидланиб, томонлар “биринчи навбатдаги вазифа савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақа мамлакатларида савдо ва сармоя киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат” эканини таъкидлади.

Ушбу учрашувда Ўзбекистон Президенти “Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлашнинг барқарор ўсиши”га эътибор қаратди, бу ерда “савдо айланмаси 2,5 баробардан ортиқ ўсди” ва “савдо-иқтисодий ҳамкорлик минтақавий шериклик ва интеграциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи” эканини таъкидлади.

Мирзиёев, шунингдек, “товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун тезда истисно ва чекловларсиз тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш зарурлигини” алоҳида таъкидлаб, ушбу масалалар бўйича “Комплекс минтақавий дастур”ни қабул қилишни таклиф қилди.

Минтақа мамлакатлари ўзаро савдосидаги қийинчиликларга қарамасдан, унинг умумий товарлар айланмасидаги улуши ташқиға нисбатан илгарилаб боровчи суръатларда ўсмоқда. 2017 йилдан кейин Ўзбекистон минтақаички савдо ҳажмларининг ўсишига ва ривожланишига катта рағбат яратилди. Ўзаро савдонинг таркиби яқин вақтларга қадар кўпроқ аграр-хом ашё йўналишига эга бўлган.



1-расм. Марказий Осиё мамлакатлари экспортининг товар таркиби (ЕАБР, n.d.)

Умуман, минтақа Қозоғистон ва Туркменистон ҳисобига ижобий савдо балансига эга бўлиб келмоқда. Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи савдо айланмасида 2024 йил натижалари бўйича товарлар улуши юқори, хизматлар улуши бор-йўғи 12% ни ташкил этди.

Хом ашё экспортидан олинган даромадлар Марказий Осиё мамлакатлари ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. 2024 йилда минтақа товарлари экспортининг 50% идан ортиғи минерал маҳсулотларга тўғри келди, яна деярли 16% ини металлургия маҳсулотлари таъминлади. Туркменистон хорижга товар етказиб беришининг 90% и амалда ёқилғи-энергетика товарларига тўғри келади. Қозоғистонда улар экспортнинг деярли 60% ини ташкил этади, бу ерда ҳам металлургия аҳамиятли ўрин эгаллайди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон кўп даражада хорижга олтин чиқаришга таянади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Қирғизистон озиқ-овқат экспортига, Тожикистон эса руда концентратлари ва металлариға ихтисослашмоқда (1-расм).

Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти, асосан, чекланган хомашё экспортига таянади. Минтақадаги ҳар бир давлат бирламчи экспорт товарига эга: Қозоғистон нефт экспортига таянади, бу умумий экспортнинг тахминан 58-60% ни ташкил қилади. Ўзбекистонда олтин асосий экспорт товаридир (20–30%). Туркменистон экспортининг қарийб 70 фоизи табиий газ ҳиссасига тўғри келади.

Қирғизистонда олтин асосий рол ўйнайди (39%), Тожикистонда эса гидроэнергетика (4,5%), гарчи унинг улуши кичик бўлсада (2023-йилда экспортнинг

атиги 4,5% электр энергиясини сотиш, экспортнинг ~58% металл ва рудалар, шу жумладан, алюминий ва қимматбаҳо металллар), асосий ўрин тутди (6-жадвал).

6-жадвал

Бирламчи ресурсларнинг экспортдаги улуши (жамига нисбатан % да, 2022–2023 йиллар учун маълумотлар) (Qozog'iston Statistika qo'mitasi, 2024)

Мамлакат	Ёқилғи	Газ	Олтин	Электр энергияси	Бошқалар
Қозоғистон	58	3% га яқин	5% га яқин	0 га яқин	Металлар 34%
Ўзбекистон	0 га яқин	5% га яқин	20-30%	0 га яқин	Тўқимачилик 16%, пахта 8%
Туркменистон	5% га яқин	70%	0 га яқин	0 га яқин	Полимерлар, ўғитлар 8%
Қирғизистон	0 га яқин	0 га яқин	39%	1 га яқин	Рудалар 15%, қайта экспорт 45%
Тожикистон	0%	0%	20%	4,5%	Металл ва алюминий 58%

Шундай қилиб, минтақадаги ҳар бир мамлакат ташқи савдода устунлик қилувчи бир ёки иккита маҳсулот тоифасига эга бўлиб, бу экспортнинг паст диверсификациясини ўзида акс эттиради.

Бу, айниқса, Хитой ва БААдан импорт ҳажми миллиардлаб долларга ошган Қирғизистонда яққол намоён бўлди. Худди шу товарлар кейин Россияга "оқади". СЕРА маълумотларига кўра, 2023–2024 йилларда Қирғизистондан Россияга экспорт қилинадиган электрон маҳсулотларнинг 80% дан ортиғи маҳаллий эмас, балки транзит товарлардир.

Реэкспорт ва параллел импортда иштирок этиш нафақат иқтисодий фойда, балки жиддий хавфларни ҳам келтириб чиқаради. Ғарб давлатлари Марказий Осиё ҳукуматларини санкциялар режимини четлаб ўтишга ёрдам беришда тобора кўпроқ айбламоқда. 2024-йилда Европа Иттифоқи ва АҚШ етказиб бериш занжирлари, айниқса Қирғизистон ва Қозоғистон орқали ўтадиган йўналишлар устидан назоратни кучайтирди.

Бунга жавобан Қозоғистонда Россия Федерациясига экспорт қилиш тақиқланган нозик технологиялар реестри яратилди. Ўзбекистонда баъзи электроника маҳсулотларини етказиб бериш учун лицензиялаш тартиби жорий этилди. Шунга қарамай, айниқса, четлаб ўтиш схемалари кенг тарқалган ва назоратсиз бўлиб қолса, иккиламчи санкциялар хавфи сақланиб қолмоқда. Бундан ташқари, Хитой ва Туркияга технологик ва логистика қарамлиги кучаймоқда. Бу минтақа давлатларининг ташқи сиёсатдаги автономияларини заифлаштириши мумкин. Марказий Осиё учун бу савдо сиёсати тобора дипломатия ва геосиёсат майдонига айланиб бораётганини англатади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Ўзбекистон ташқи савдосида Марказий Осиё давлатлари ролининг кучайиши иқтисодиётларимиз, мавжуд табиий-иқлим шароитимиз, ресурсларимиз бир-бирини тўлдиришини яққол кўрсатиб турибди. Барча Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг динамик ўсишида синергетик ва мультипликатив самарага эришиш учун мавжуд мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш зарурияти ва кооперация учун салмоқли салоҳият мавжуд.

2. Марказий Осиё давлатлари келгусида минтақада товар айирбошлаш ва айниқса, экспорт салоҳиятини бир неча баробар ошириш вазифаларини биргаликдаги савдо-ҳаракатларни бирлаштириш ва минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмларини

ишга тушириш орқали ҳал қилиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, агар Марказий Осиё давлатлари биргаликда ЖСТ, ЮНКТАД ва бошқа халқаро ташкилотларга дунёнинг бошқа минтақалари билан тенг равишда минтақанинг савдо-иқтисодий статистикасини ўзларининг йиллик ҳисоботлари ва нашрларида акс эттиришни бошлашни таклиф қилишлари муҳим.

3. Марказий Осиё давлатларининг тегишли вазирликлари ҳар йил охирида минтақа мамлакатлари ва бошқа давлатлар ўртасидаги ўзаро йиллик савдо тўғрисида қўшма ҳисоботлар чиқаришга келишиб олишлари мақсадга мувофиқ. Бу халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё минтақасининг савдо-иқтисодий салоҳияти ҳақида хабардорлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти томонидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашувида таклиф этилган “Ташқи савдо фаолиятига масъул вазирларнинг мунтазам учрашувлари механизмини ишга тушириш” ҳақидаги ғоясининг мантикий давомидир.

4. Кўтарилган муаммоларни ҳал этиш учун савдо-иқтисодий дипломатия соҳасида янада тизимли, чуқур фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур, бунинг натижасида Марказий Осиёда минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик концептуал ёндашувлари ва самарали механизмлари ишлаб чиқилад.

5. Марказий Осиё мамлакатлари экспорт салоҳиятини ошириш даражалари бўйича минтақада ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, чегара ҳудудларда савдо-логистика инфратузилмаси, қўшма улгуржи-тақсимот марказлари ва логистика сервисларини яратиш, молия секторини ривожлантириш, минтақа мамлакатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг ярмини қоплашга субсидиялар тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини глобал етказиб бериш занжирининг унсурига айлантириш мумкин бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

Ministry of Economy of Uzbekistan (2024) Export licensing reports. Tashkent: Ministry of Economy.

Ministry of Trade of Kazakhstan (2024) Technology export restrictions. Astana: Ministry of Trade.

World Bank (2025) Жаҳон банки маълумотлари асосида тузилган ҳисоботлар. Доступно по ссылке: <https://svspb.net>

Лаффер, А. (2015) ‘Вам придется делать то, что делали в Европе 100 лет назад, а не сейчас’, Европейская правда.

Лукас, Р.Э. (2013) Лекции по экономическому росту. Пер. с англ. Д. Шестакова. М.: Изд-во Института Гайдара.

Мальцев, А.А. (1998) ‘Внешнеэкономические отношения: компромисс интересов или «вотчина» территорий’, Внешняя торговля, (79), сс.38–41.

Мизес, Л. (2001) Либерализм в классической традиции. М.: Социум, Экономика.

Савинов, Ю.А. & Мигунов, А.Ю. (2008) ‘Государственная финансовая поддержка экспорта в России’, Российский внешнеэкономический рынок, (5), с.32. Доступно по ссылке: <https://mgimo.ru/library/publications/55417/>

Толлисон, Р. (1997) ‘Политизированная экономическая теория: монархия, монополия и меркантилизм’. Доступно: <http://newsstand.edu?inmemoriam-robert-dewitt-tollison>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (2022) ПФ-60-сон Фармони: ‘2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида’, 28 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (2023) ПФ-158-сон Фармони: ‘Ўзбекистон — 2030 стратегияси тўғрисида’, 11 сентябрь. Доступно по ссылке: <https://lex.uz/docs/6600413>

Фридмен, М. (1998) Если бы деньги заговорили. М.: Дело.

Экономист.kz (2025) ‘Торговля внутри ЦА достигла рекорда в \$10 млрд’, Экономист. Доступно: <https://ekonomist.kz/editor/torgovlya-vnutri-ca-dostigla-rekorda-v-10-mlrd/>

Эрхард, Л. (2001) Благосостояние для всех. М.: Дело.